10 598

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Дарёлар уйғоқдир, тоғлар сарбаланд. Гул унган жойлар ҳам мудом чаманзор. Асрлар оша Туронзамин маркази бўлиб келган Самарқанд сайқали абадул-абад «рўйи замин аст...» бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Самарқанд тарихида сарҳисоб қилса арзигулик саналар жуда кўп. Аммо, сўнгги етти йил таҳлили, сарҳисоби ўзгачадир. Истиқлолимизнинг дастлабки онларидаёқ бу вилоятда улуғвор ишлар бошланиб кетди. Улкан қурилишлар, янги қўшма корхоналарнинг тамал тоши қўйилди. Буларнинг барча-барчаси вилоят ҳаётида сезиларли воқеа бўлди.

Кўҳна шаҳар Самарқанднинг ҳуснига ҳусн қўшилди. Тарихий обидаларни таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари йўлга қўйилди. Ҳамиша дунё нигоҳида бўлган улуғ шаҳар жаҳонга юз тутди. Очиғи, сўнгги етти йил сарҳисоби етти иқлимни ҳайратга солса ажабмас.

Ватан остонадан, туғилган гўшангдан бошланади. Дунёни англамоқ учун аввало юртни билмоқ керак. Буни тарих, ўлкашунослик дарсларида ёш авлодга ўргатмоқ, онгига сингдирмоқ лозим.

Самарқанд вилоятининг майдони 16,77 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 587,6 минг кишидан иборат. Вилоят ҳудудини ўн олтита туман, тўртта шаҳар, туманлар тасарруфидаги еттита шаҳар, шунингдек, учта шаҳар ҳудудидаги туманлар ташкил этади.

Мамлакатимиз марказий қисмида, Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган жаннатмакон гўша -- Самарқанд шаҳри, вилояти ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак, ёзсак арзийди. Юртимиз мустақиллигининг етти йиллиги олдидан тайёрланган саҳифаларимиз орқали Самарқанд жамоли ва камоли ҳақида мухтасар фикрлар ўқийсиз.

2-3- бетлар

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 23 апрель, пайшанба • № 49 (22.286).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнеси ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 9 апрелдаги Фармонини бажариш юзасидан ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдаги ролини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг (бундан кейин уюшма деб аталади):

Уюшма ва унинг ижро этувчи аппарати ташкилий тузилмаси тўғрисидаги таклифи:

Уюшманинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари тегишли ҳудудий ҳамда туман уюшмалари негизида ташкил этиладиган вилоят ва туман вакилликлари ижро этувчи аппаратларининг ташкилий тузилмаси тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Уюшма ва унинг ҳудудий вакилликлари деҳқон ва фермер хўжаликларини бирлаштирадилар, давлат ташкилотларида ва бошқа ташкилотларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва ифодалайдилар, ўз фаолиятларини уставларга мувофиқ, тўлиқ хўжалик ҳисоб-китоби принципларида ташкил этадилар;

Уюшманинг ўз аъзолари билан ўзаро ҳуқуқий муносабатлари уларнинг уставлари ҳамда хўжаликлар томонидан Уюшманинг туман вакилликлари билан тузиладиган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонларнинг ўзаро жавобгарлигини ва манфаатларини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси ва унинг ўринбосарлари съезд томонидан сайланадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тасдиқланадилар ҳамда мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра Уюшма раиси — вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари — вазир ўринбосарига тенглаштириладилар;

деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг директори лавозимига кўра деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

ҳудудий вакилликлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда Уюшма раиси томонидан тайинланадилар.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг директори лавозимига кўра деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

ҳудудий вакилликлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда Уюшма раиси томонидан тайинланадилар.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг тамал тоши қўйилди. Буларнинг барча-барчаси вилоят ҳаётида сезиларли воқеа бўлди.

Кўҳна шаҳар Самарқанднинг ҳуснига ҳусн қўшилди. Тарихий обидаларни таъмирлаш, қайта тиклаш ишлари йўлга қўйилди. Ҳамиша дунё нигоҳида бўлган улуғ шаҳар жаҳонга юз тутди. Очиғи, сўнгги етти йил сарҳисоби етти иқлимни ҳайратга солса ажабмас.

Ватан остонадан, туғилган гўшангдан бошланади. Дунёни англамоқ учун аввало юртни билмоқ керак. Буни тарих, ўлкашунослик дарсларида ёш авлодга ўргатмоқ, онгига сингдирмоқ лозим.

Самарқанд вилоятининг майдони 16,77 минг квадрат километр. Аҳолиси 2 миллион 587,6 минг кишидан иборат. Вилоят ҳудудини ўн олтита туман, тўртта шаҳар, туманлар тасарруфидаги еттита шаҳар, шунингдек, учта шаҳар ҳудудидаги туманлар ташкил этади.

Мамлакатимиз марказий қисмида, Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган жаннатмакон гўша -- Самарқанд шаҳри, вилояти ҳақида ҳар қанча тўлқинланиб гапирсак, ёзсак арзийди. Юртимиз мустақиллигининг етти йиллиги олдидан тайёрланган саҳифаларимиз орқали Самарқанд жамоли ва камоли ҳақида мухтасар фикрлар ўқийсиз.

2-3- бетлар

ВАТАН ХАРИТАСИ

«Pfizer» фармацевтика компанияси дунёга машҳур. Дори-дармонлар ишлаб чиқариш бўйича АҚШнинг ўзида биринчи, жаҳонда эса учинчи ўринни эгалламоқда. Компания раҳбарияти вакиллари Вильям Уг О'Коннор, Курт Ханс Хаан ва Илья Степанов мамлакатимизга ташриф буюришди. Улар «Пфайзер» ҳаётидаги муҳим воқеа -- компаниянинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси аккредитацияси ва расмий очилиши тантанали маросимида қатнашадилар.

— Марказий Осиё минтақасидаги фаолиятимиз, — деб таъкидлади «Пфайзер Инк» АҚШ фармацевтика бўлинмасининг вице-президенти ва «Пфайзер»нинг Европа бўйича президенти Вильям Уг О'Коннор, -- бўлғуси авлод ва оналик саломатлигини муҳофаза қилиш ишига янги омил бахш этишини жуда истардик.

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан шу йил кузда Имом ал Бухорий юбилейи ўтказилади. Ана шу қарорда, жумладан, тадбирга бағишлаб унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида илмий-оммабоп китоб яратиш вазифаси ҳам қўйилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг шарқшунос олимлари бу ишга жиддий киришдилар. Филология фанлари номзоди Убайдулла Уватовнинг «Имом ал Бухорий ҳаёти» сарлавҳали рисоласи ана шу ижодий изланиш самараси бўлди.

* * *

«Ўздунробита» уяли алоқа бўйича Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси хизматларидан 17 мингдан ортиқ абонент фойдаланмоқда. Агар дастлаб корхоналар ва ташкилотлар унинг абонентлари бўлишган бўлса, энди ҳаётда хусусий шахслар сони ҳам ошиб бормоқда. «Ўздунробита» DAMPS рақамли андозаси асосида жадал ривожланмоқда. Маълумки, бутун жаҳондаги уяли алоқа бозорининг қарийб 67 фоизи ана шу андозада ишлайди. Бугунга келиб «Ўздунробита» 40 минг мижозга хизмат кўрсатиши мумкин. У бутун республикамиз ҳудудида уяли алоқа ва автоматик роминг хизматини таъминлаган МДҲдаги бирдан-бир компания ҳисобланади.

* * *

Ургут туманидаги 61- ўрта мактабда собиқ ўқувчи, ҳозирда Калифорния (АҚШ) университети микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси мудири, Нью-Йорк Фанлари академиясининг аъзоси, профессор, эндигина 36 баҳорни қаршилаган Шароф Тўғизов билан учрашув бўлиб ўтди. У мактабни таъмирлаш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 200 минг сўм маблағ ажратди.

Собиқ ўқувчилар -- туман ички ишлар бўлими ходими А.Ганиев, Санчиқул фуқаролар йиғини кенгаши раиси С.Вафоев ва «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги бошқаруви 50 минг сўмдан хайрия беришди.

* * *

Республика Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази ўзининг биринчи рисоласини конституциявий суд мавзуига бағишлади. Рисолада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига суяниб, шунингдек, жаҳоннинг 70 дан зиёд давлатларидаги конституциявий суд идораларига оид муҳим маълумотлардан фойдаланиб, суд ҳокимиятининг бу юқори тармоғи, унинг турли фаолият йўналишлари биринчи марта муайян мисоллар ёрдамида ифодалаб берилган. Рисола кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

* * *

«Экрсан» халқаро жамғармаси ва Туркиянинг «Евроосиё» ноҳукумат экологик ташкилоти ахборот маркази Самарқандда уюштирилган халқаро минтақавий семинар «Атроф-муҳит муаммолари ва Ўзбекистоннинг нодавлат экологик ташкилотларининг фаолияти» мавзуига бағишланди. Уни «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Ю.Шодиметов очди. Анжуманда таниқли олимлар, мутахассислар, экспертларнинг атроф-муҳит муаммоларига оид маърузалари тингланди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистонда табиат муҳофазаси ва экология соҳасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо бердилар.

Ёш чемпион: Ўзбекистонга дастлабки совринни келтирдим.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

РОССИЯ ҲАМОН ОЁҚҚА ТУРГАНИ ЙЎҚ

Францияда чиқадиган «Либерасьон» газетаси Россиядаги ички сиёсий вазиятни таҳлил қила туриб, собиқ Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг Россия ҳамон оёққа туриб олгани йўқ, деб ёзади. Чарчаб қолган касалманд Президент ўзининг чегарасиз ҳуқуқларидан фойдаланиб, ислоҳотларни чуқурлаштиришни эмас, балки ўз ҳокимиятини асраб қолишга интилмоқда. Россияликларнинг кўпчилиги Борис Ельциннинг Россия ҳукуматини тарқатиб юбориб, Бош вазир лавозимига ёш, тажрибасиз Сергей Кириенко номзодини тиқиштираётганлигини ҳали ҳам тушуниб етганлари йўқ. Балки бу Президентнинг бир дақиқалик бўшашувчанлигидан далолат бўлса керак. Балки Ельцин ҳали узоқ вақт ҳокимият тепасида тураман, деб ўйлаётгандир. Газетанинг ёзишича, Россияда ҳамон инқироз давом этмоқда.

ЛЎЛИЛАР ҲАМ ЖАМИЯТНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ АЪЗОСИ БЎЛАДИ

Руминия ҳукумати мамлакатдаги лўлилар ҳам жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси эканлигини тасдиқловчи қарор чиқарди. Бундан буён лўлилар учун махсус ишчи ўринлари яратиладиган бўлди. Болалар эса бемалол мактабга боришлари мумкин. Кўчманчи лўлилар учун доимий яшаш жойлари тақдим этилади. Мамлакат маориф вазири Андрей Марганинг айтишига кўра, янги дастурнинг жорий этилиши натижасида аҳолининг ушбу қатлами ўртасида ишсизлик ва жиноятчилик кескин камаяди. Расмий маълумотларга кўра бугунги кунда Руминияда уч миллиондан зиёд лўли яшамоқда.

ДАСТУР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Тожикистон ҳукумати мамлакатдаги нодавлат ташкилот — Оғахон жамғармасининг Қоратегин ҳудуди қишлоқ хўжалигини тиклаш бўйича ишлаб чиққан дастурини қўллаб-қувватлади. Унинг қиймати 7,2 миллион АҚШ долларига тенг. Дастур ижроси учун жорий йилда 600 минг доллар ажратиладиган бўлди. Ушбу маблағ жаҳон банки томонидан Тожикистонга берилган 10 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобидан ажратилади.

Ҳозир мазкур жамғарманинг худди шунга ўхшаш дастури Бадахшон вилоятида амалга ошириляпти. Жамғарма вакилининг айтишича, кўтарилган ташаббуслар даставвал ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмаган. Лекин муайян ижобий натижалар қўлга киритилганидан сўнг мамлакат ҳукумати жамғарма фаолияти учун ёрдам кўрсатишга қарор қилган.

ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

Германиянинг Ганновер шаҳрида халқаро саноат ярмаркаси очилди. Унда 70 мамлакатдан 8 мингга яқин фирма ва компания иштирок этмоқда. Бир ҳафта давом этадиган мазкур тадбирда саноатда эришилган сўнгги ютуқлар, хусусан, робот техникаси, электроника ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган асбоб-ускуналар, ҳар хил машина-механизмлар намойиш қилинмоқда.

ГАРОВГА ОЛИНГАНЛАР

Сомалида бундан бир неча кун аввал жангарилар халқаро Қизил Хоч қўмитасининг бир гуруҳ ходимларини гаровга олган ва қўмитадан уларнинг ҳар бири учун 100 минг АҚШ долларидан талаб қилган эди.

Ҳозирча жангарилар билан музокаралар бошланганги йўқ.

Гаровга олинганлар орасида Бельгия, Германия, АҚШ, Франция, Швейцария, ЖАР ва бошқа мамлакатлар фуқаролари бор.

Маълумки, 1991 йилдан буён Сомали марказий ҳукумати мамлакатнинг барча ҳудудларида ўз ҳукмини тўла юргиза олмаяпти. Мамлакатнинг айрим ҳудудлари бир неча қуролли гуруҳлар ўртасида бўлиниб кетган.

ТАКЛИФГА ҚЎШИЛИШДИ

Фаластин Мухторияти ва Исроил давлати раҳбарлари 4 май куни Лондонда Европа Иттифоқи ҳамда АҚШ ташаббускорлигида бўладиган Яқин Шарқ муаммоларига бағишланган тинчлик музокараларида иштирок этишга розилик берди. Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафари чоғида Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр бу таклифни илгари сурган эди.

ТЕКИН ТОМОШАНИНГ ЖАЗОСИ

АҚШ ҳукумати муаллифлик ҳуқуқини бузганликда айбланаётган Гондурасга нисбатан иқтисодий жазо эълон қилди.

Вашингтон маъмурияти вакилларининг таъкидлашича, АҚШ компаниялари томонидан тасвирга олинган кинофильм ва турли телекўрсатувлар бир неча йиллардан буён Гондурас «Ойнаи жаҳони»да мунтазам равишда намойиш этиб келинади. Бироқ, Гондурас телевидениеси бу ҳақда Америка компанияларидан махсус рухсатнома олмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 22 апрель.

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

Ислом КАРИМОВ:

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.



МАНГУ МЎЪЖИЗА

Дунёдаги энг кўҳна шаҳарлардан бири Самарқанд 2500 йилдан зиёдроқ тарихга эга. Бу шаҳар қадимий харобаси Афросиёбдан бошланади. Афсонавий қаҳрамон Афросиёб номи Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб асарларида ҳам тараннум этилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида эса Афросиёб туронлик қаҳрамон ва саркарда сифатида тасвирланади.

Ҳозирги Самарқанд ўрнида милоддан аввалги IV асрдан VI асргача Сўғд давлати пойтахти — Мароканда шаҳри бўлган. Милоддан аввалги 329 йили Македониялик Искандар Зулқарнайн қўшинлари бу шаҳарни вайрон қилган...

Қутайба бошчилигидаги араб босқинчилари 712 йили Самарқандни эгаллаган. VIII асрнинг 70-80 йилларида араблар истилосига қарши Муқанна бошчилигида қўзғолон кўтарилган.

IX асрнинг 20-йилларидан Самарқанд — Сомонийлар давлати пойтахти бўлган. Шундан сўнг кўп йиллар бу азим шаҳар Мовароуннаҳрнинг маданий, маърифий, ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири бўлиб қолди.

1220 йили Чингизхон қўшинлари Самарқандга бостириб кириб, шаҳарга ўт қўйган, вайронага айлантирган. XIV аср ўрталарига келиб, мўғулларга қарши халқ ҳаракатлари натижасида Самарқандда ҳокимиятни сарбадорлар эгаллади.

Самарқанд шаҳрининг тарихида Амир Темур сиймоси сўнмас юлдуз мисол порлаб туради. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».

Кўҳна шаҳар мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, мўъжизакор обидаларининг ҳар бири ўзига хос тарих китобидир. Соҳибқирон бобомизнинг шарофати ила Самарқанд ер юзининг сайқалига айланган.

Амир Темур бобомиз вафотидан сўнг 1409 йилдан эътиборан Самарқанд шаҳрига Улуғбек ҳокимлик қила бошлаган. Шундан сўнг бу шаҳар жаҳондаги энг йирик илмий марказлардан бири сифатида тан олинган.

XV аср охирларида Самарқандни Заҳириддин Муҳаммад Бобур эгаллади. Тарихдан маълумки, бу давр зиддиятларга тўла эди...

1500 йилда шаҳарни Шайбонийхон босиб олди. 76 йил мобайнида Самарқанд Шайбонийлар давлатининг пойтахти бўлган.

XVII асрнинг биринчи ярмида Ялангтўш Баҳодир Самарқанд ҳокими бўлган. Сўнг, шаҳар Аштархонийлар, Нодиршоҳ қўлида бўлган. 1758-1868 йилларда эса Бухоро амирлари тасарруф этган.

1868 йили 2 майда Самарқандни Россия подшоси қўшинлари босиб олди...

Кўпдан-кўп босқину вайронагарчиликлардан омон қолган умрибоқий Самарқанд ҳеч вақт жаҳон харитасидан ўчмаган. Собиқ шўролар замонида ўн тўрт республика, йигирмадан ортиқ мухтор республикалар ягона қизил рангда «СССР»ни ташкил этгани жаҳон хариталарида «акс» этиб турса-да, уларда кўҳна Самарқанд ўрни, номи ҳамиша жилоланиб турарди. 1991 йилги ҳуррият эса бу мўъжиза шаҳарни қайтадан кашф этди, десак муболаға бўлмас.

Самарқанд тарихида сўнмас юлдуз бўлиб қолган улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйи муносабати билан 1996 йил 18 октябрь куни шаҳар «Амир Темур» ордени билан тақдирланди ва ўша кун бутун мамлакатимизда «Самарқанд куни» деб эълон қилинди. Бундан буён ҳар йили 18 октябрь — «Самарқанд куни» байрами сифатида кенг нишонланиши озод ва обод юртимизда мангу мўъжиза бўлиб қолажак.

Янги-янги қурилишлар кўҳна шаҳар ҳуснига ҳусн қўшаётир. Вилоят ҳокими Алишер Мардиев (чапда) навбатдаги лойиҳаларни кўздан кечирмоқда.

САМАРҚАНД САЙРИ

Кел Самарқанд шаҳрига, сайри гулистон истасанг,
Ҳидлагин гулдастасин, ҳар дамда хандон истасанг.
Турли анвойи гул билан бурканди фирдавс шаҳримиз,
Гулни кўр, булбулни кўр, хуш гулли ошён истасанг.
Тонг шамоли тарқатур мушку суманлар заррасин,
Боғ аро ўлкамни кез, чин анбарафшон истасанг.
Шаҳримизнинг ҳар дарахтин меваси болдин ширин,
Мевазор сайрига келгин шакаристон истасанг.
Жам эрур ҳар бир чаноқда зару гавҳар риштаси,
Воҳасида олтин ундирган, зарафшон истасанг.
Тоғ каби бўй чўзди, кўргин пахтазорлар хирмони,
Ерда олтин кон яратган, марди-мардон истасанг.
Ул шифобахш сувлари жисмингга роҳат бахш этар,
Тўлдириб ичгин пиёланг, роҳати жон истасанг.
Навқирон, зебо Самарқанд маърифат даргоҳидир,
Илму ҳикмат ганжи бўлган гар дабистон истасанг.
Марҳабо, дер Орифий, боғи эрам шаҳримга кел,
Ер юзига бўлди сайқал, дури ғалтон истасанг.

Олимжон ОРИФИЙ

ПОК ИЙМОН САРҲАДЛАРИ

Олам аро ягона Самарқандда барпо этилган маҳобатли миноралар, улардаги бири-биридан жозибали нилий гумбазлар, нақшу нигорлар, сарвқад ёдгорликлар, сержило равоқ ва пештоқлардаги нақшинкор ҳикматлар ҳар қандай инсонни ҳайрату ҳаяжонга солиши шубҳасиз. Биргина Регистоннинг ўзи Эйфель минораси, Парфенон, Тожмаҳал, Осма боғ ва Буюк Хитой девори каби одамзод ақл-заковати билан бунёд этилган тарихий санъатлар сирасига киради. Шул боис мазкур мажмуа жаҳондаги етти мўъжизанинг бири ҳисобланади.

Бор-йўғи саккиз-ўн йил илгариги «манзара»лар ҳақида эслашнинг ўзиёқ нечундир таъбингизни тирриқ қиларди. Йиллар, асрлар силсиласида дарз кета бошлаган, айрим деворлари нурай деб қолаётгани кўриниб турган обидаларни қайта таъмирлаш (реставрация қилиш) ишларига совуққонлик билан қараларди... Таъмирлаш бобида амалга оширилаётган ишлар ҳам ҳаминқадар, қўл учида қилинаётгани сир эмасди. Аммо, ажабланарли томони шунда эдики, туризм, турли сайёҳлар томонидан келиши лозим бўлган маблағлар асосан ўзга республикаларга «оқиб» кетаверарди...

Истиқлол шамоли кўпгина кирдикорларга барҳам берди. Янги-янги умидлар уйғотди. Эндиликда бу ерда халқаро туризмни ривожлантириш имкони бор, албатта. Бундан жаҳон аҳли катта маънавий озиқ олса, кўҳна шаҳар баҳоли қудрат равнақ топиши учун моддий пойдевори мустаҳкамланади. Инчунин, вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати туфайли «Самарқанд шаҳрини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш жамғармаси» тузилди. Жамғарманинг асосий мақсади эса номидан аён, кўриниб турибди.

Руҳ абадий, иймон асло ўлмайди. Темурийлар салобатига монанд қад ростлаган минораю мадрасалар пок иймоннинг сарҳадидан эканига абадул-абад авлодлар шоҳид бўлаверадилар.

БИРОДАРЛАР

Бугунги кунда Самарқанд шаҳри АҚШнинг Олимпия, Индонезиянинг Банда-Ачех, Покистоннинг Лоҳур, Перунинг Куско, қўшни Қозоғистоннинг Жамбул сингари кўплаб шаҳарлари билан бўродарлашганлар. Сўнгги етти йил мобайнида кўҳна шаҳар янги-янги биродарларини топиб олаётгани қувончли ҳодиса.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

САВДО

1991 йилда вилоят савдосининг товар айланиши (ноташкилий савдо ҳажмини ҳисобга олган ҳолда) 30,2 миллиард рублни ташкил этган.

* * *

1997 йилда эса умумий товар айланиш ҳажми 50,4 миллард сўмни ташкил этиб, 68 фоизга ўсган.

МАИШИЙ ХИЗМАТ

1990 йилда 1508 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари бўлган. Улар томонидан 21.8 миллион рубллик хизмат кўрсатилган.

* * *

1997 йилда эса вилоят маиший хизмат кўрсатиш уюшмаси таркибида 2981 та хизмат кўрсатиш шахобчалари мавжуд бўлиб, улар томонидан 40,0 миллион сўмлик хизмат кўрсатилган.

БОЗОРЛАР

1990 йилда вилоятда 21 та бозор мавжуд эди.

1997 йилда 28 та деҳқон ва буюм бозорлари мавжуд бўлиб, жойларда уларнинг 19 та филиаллари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

АЛОҚА

1997 йилда вилоят электр алоқалари бирлашмаси негизида Индонезиянинг «Бакри Коммуникейшн Корпорейшн» (БКК) компанияси билан «Самтелеком» қўшма корхонаси ташкил этилди.

* * *

Самарқанд шаҳрида умумий сиғими 20 минг абонентга мўлжалланган «Сименс» фирмасининг рақамли электрон телефон станцияси тўлиқ ишга туширилди.

Тошкент — Самарқанд шаҳарлари ўртасида халқаро аҳамиятга эга бўлган «Транс-Осиё-Европа» оптик толали линияси қуриб битказилди ва республикада биринчи марта видео конференция сеанс синовлари ўтказилди.

ҚЎШҚАНОТЛАР

Ҳадемай Самарқандда ишлаб чиқариладиган мўъжазгина автобуслар, бежирим юк машиналари йўлга тушади. Шу муносабат билан Ўзбекистон--Туркия қўшма корхонаси — «СамКОЧАвто» фирмаси бош менеджерининг ўринбосари Меҳмет Саим Каракапижи жаноблари шундай деди:

— Туркиянинг дунёга машҳур «Кочхолдинг» фирмаси мутахассислари ўзбек биродарларимиз билан ҳамкорликда бунёд этаётган мазкур қўшма корхонада бежирим автобуслар ҳамда кичик ҳажмдаги юк машиналари ишлаб чиқарамиз. Корхона ишга тушгач, йилига 3 мингдан зиёд автобус, мингдан ортиқ юк машиналари тайёрланади. Буни қарангки, мазкур машиналар бир пайтлари Испания ва Италия мутахассисларининг ҳамкорлигида яратилган «Звенка» фирмаси маҳсулотлари жаҳон андозаларига муносиб эканлиги тан олинган. Бу машиналар айнан ўзбекистонликлар талаб-эҳтиёжларига жуда монанддир. Улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Яъни, заруратига қараб бу машиналарни исталган турга ихтисослаштириш, турли мосламалар ўрнатиш имкони бўлади.

Зарур жиҳозлар, эҳтиёж қисмлари дастлаб Туркиянинг «Отаёл» автобус заводидан келтирилади. Кейинчалик эса улар ҳам заводнинг ўзида тайёрланиши мумкин ва бунга эришамиз ҳам.

Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда 700 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Йигирма беш нафар турк мутахассислари ўзбек қардошларига бу касб сирларини ўргатадилар.

Ота юртимиз Ўзбекистон ўз истиқлолининг еттинчи йилига етганда корхонамиз дарвозасидан чиройли автобус ва юк машиналари турнақатор бўлиб чиқа бошлайди. Илло, юртингиз етти йилда етишган муваффақиятларга етти иқлимда тан берадиган бўладилар.

БИЗНИНГ ШАРҲ

Умуман олиб қараганда иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим негизларидан саналмиш саноат соҳасида эришилган ютуқларни етти йил олдинги ҳолати билан солиштириб бўлмайди. Самарқанд вилоятида саноат соҳасида ўзига хос юксалишлар рўй берди. Буюк Британиянинг «БАТ индастриз» фирмаси томонидан тамаки маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёрлаш фабрикаси бунёд этилди. Сутли маҳсулотлар тайёрловчи «Браво сут» корхонаси маҳсулот бераётир. «Самарқанд — Сингапур» қўшма корхонаси, «Бакри групп» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхоналари жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани қувончли ҳолдир.

«Самарқанд — Прага» қўшма корхонаси, чой қадоқлаш фабрикаси, «Кинап» заводи, «Ҳужум» ҳиссадорлик жамияти жамоалари ишлаб чиқариш борасида ҳайратомуз ютуқларга эришаётгани сир эмас. 1996 йилда жами 10 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 11,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Вилоятда аҳоли жон бошига 34,4 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Қўшқанотлар парвози ўзгача бўлади. Саноат соҳасини такомиллаштиришда ҳам қўшқанот янглиғ қўшма корхоналар самараси рисоладагидек бўлаверади.

Юртимиз йўлларида «Нексия», «Тико», «Дамас», Самарқанд автобуси юрар мудом басма-бас...

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

БУХОРИЙ ЧИНОРЛАРИ

Ал Бухорий қабри
қошида,
Беш туп чинор
ўсиб туради.
Зиёратчи келган
онида
Соясида суҳбат
қуради.
Балки бобом
гоҳи-гоҳида,
Ажиб ҳадис
сўзлаган минглаб.
Мухлислари
чинор тагида
Ўлтиргандир
ҳикматлар тинглаб.
Ҳурлигидан қувватга
тўлар,
Чинорларнинг
баландлаб бўйи.
Қутлуғ бўлсин,
дегандай бўлар
Бухорийнинг
муборак тўйи.

Отабек Сафар ўғли БАҚОНИЙ

БОҚИЙ УЙҒОҚ ҚАДАМЖО

Усмонхон ҳожи ТЕМУРХОН ўғли, Имом ал Бухорий масжиди имом-хатиби:

— Оллоҳга ҳамду саноолар бўлсинки, бугунги кунда юртимиз обод, халқимиз бахтиёрдир. Ислом оламида алломалар алломаси, Ҳадиси шариф илмини яратган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорийнинг 1225 йиллиги олдидан катта савобли ишга қўл урилди. Яъни, улуғ бобомиз қабри атрофида улкан зиёратгоҳ бунёд этилмоқда. Бу аслида барчамиз учун бахту саодат. Имом ал Бухорий бобомизнинг муборак номлари шу кунга қадар рўйи заминимизнинг етти иқлими аро машҳур бўлиб келган экан, иншоолоҳ бу кун барпо этилаётган улкан зиёратгоҳ ҳам ўзига хос тарих бўлиб қолишига шубҳа йўқ.



Бу кун жадаллик билан қурилаётган ал Бухорий бобомиз мақбараси етти иқлим зиёратгоҳига айланиб қолажак.

Инсон ҳамиша ўз умрини сарҳисоб айлаб яшайди. Бу кун юртимизда анча-мунча ютуқлар кўзга ташланаётир ва биз уни етти йил бурунги кунларимиз билан таққослаб кўряпмиз. Аммо, ал Бухорий бобомизга бўлган муносабатни етмиш йил билан солиштирганимизда ҳам жўяли бир фикр айтиш мушкул эди...

Ҳадисчи олим Ватани истиқлолга эришгач, роппа-роса етти йил ўтгач мўъжиза рўй бераётир. Кўриб турганингиздек, Бухорий бобомиз мақбаралари шарқона усулда катта ҳажмда қурилмоқда. Бир ёнида эса улкан масжид қад ростламоқда. Масжидда бир вақтнинг ўзида мингдан ортиқ мусулмон намоз ўқиши мумкин бўлади.

Истиқлол шарофати туфайли беш йилча бурун Самарқандда «Имом ал Бухорий ҳаёти ва даври» мавзуида халқаро илмий анжуман ўтказилган эди. Унда 30 дан ортиқ мамлакатдан олиму уламолар иштирок этдилар.

Истиқлолимиз туфайли қад ростлаётган ал Бухорий бобомиз мақбараси абадул абад етти иқлим зиёратгоҳи бўлиб қолажак.

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Отабек ТУРСУНОВ, вилоят ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи, милиция подполковниги

— Юртида барқарор тинчлик, эл ичра осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлган улуғ бобомиз Амир Темур шундай деганлар: **«... Салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».**

Барча соҳаларда ўсишга эришиш қувончли ҳодиса ҳисобланса, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ютуқларимиз элимизга хотиржамлик бахш этади. Собиқ иттифоқнинг сўнгги йилида қайд этилган жиноятлар сони билан 7 йил кейинги даврдагиси таққосланадиган бўлса, бу борада муайян ютуқлар кўзга яққол ташланади:

Жиноят турлари	1990 йил	1997 йил	Камайиши фоиз ҳисобида
1. Тан жароҳати етказиш	139 марта	74 марта	- 46,8 %
2. Босқинчилик	82	39	- 52,4
3. Талончилик ва ўғирлик	1910	1820	- 4,7
4. Иқтисодга қаратилган жиноятлар	1514	1121	- 26,0
5. Харидорлар ҳақига хиёнат	776	122	- 84,3
6. Бошқа турдаги жиноятлар	806	796	- 1,2
7. Вояга етмаганлар ўртасида	344	263	- 23,5.

Самарқанд қадимдан илм-маърифат, маънавият-маданиятнинг кўзи-қароғи. Унинг илҳомга ҳамиша тўлғоқ заминида кўплаб шоирлар, олиму фозиллар, буюк алломаю арбоблар етишиб чиққанлар. Мавлоно Саккокий, Лутфий, Рудакий, Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби ўнлаб даҳоларнинг қадамлари теккан шаҳар бу.

XX аср маданияти, адабиёт ва санъати янги поғоналарга кўтарилишида

Қишлоқларни газлаштириш борасида Иштихон туманида салмоқли натижаларга эришилаётир. Етти йил илгари туманнинг атиги 5 фоизи табиий газ билан таъминланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 50,2 фоизни ташкил этмоқда. — 2000 йилгача газлаштириш ишлари юз фоиз амалга оширилади, — дейди туман ҳокими Собир Муродов.

РАҚАМЛАР СЎЗЛАЙДИ

- *Вилоятда айни дамларда 2115 та кутубхона, 34 та «Халқ ансамбли» унвонига эга бўлган ашула ва рақс, фольклор-этнографик дасталари, 9 та драма ва қўғирчоқ театрлари, 2 та хор жамоаси, 1 та тасвирий санъат студияси мавжуддир.*
- *Вилоятдаги туман ва шаҳарларда 355 та маданият уйлари фаолият кўрсатмоқда.*
- *Шунингдек, 34 та болалар мусиқа ва санъат мактаблари, 8 та давлат музейлари бор. 35 та ўйингоҳ, 447 та спорт заллари фаолият кўрсатмоқда.*

* * *

- *Мустақиллик кунларига қадар вилоятда алоҳида телестудия йўқ эди...*
- *Бугунги кунда эса 1 та давлат телерадиокомпанияси, 1 та хусусий Самарқанд телевизион ижодий уюшмаси, шунингдек, Ургут туманида «Чинор», Каттақўрғон туманида «Пайшанба», Нарпай туманида «Оқтош» телестудиялари минглаб хонадонлардаги «зангори экран»ларга «жон киргизиб» турибди.*

***

- *Бугунги кунда вилоятда 702 минг киши спорт ва жисмоний тарбия турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. 1990 йил 2 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси бор эди. Бугунги кунда спорт усталари 36 нафарга етди.*
- *Дилшод Ёрбеков (бокс), Григорий Туляев (кураш), Шуҳрат Сафин (шахмат), Икром Холиқов, Михаил Соколов (дзюдо) каби спортчилар Ватан шуҳратини оламга ёйишмоқда.*

Самарқанд нонларининг довруғи етти олам аро машҳурдир.

ИЖОД БЎСТОНИ

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ориф Гулханий каби маърифатпарварларнинг улкан хизматлари бор. Шунингдек, Усмон Носир, Ҳамид Олимжон, Асқад Мухтор, Шароф Рашидов, Раъно Узоқова, Ҳабиб Юсуфий, Саид Назар сингари забардаст ижодкорлар ҳам шу бўстонда қалам тебратганлар.

Бугунги кунда эса Бобомурод Даминов, Болта Ортиқов, Фахриддин Бегматов, Уйғун Рўзиев, Ёздон Худойқулов, Хосият Бобомуродова, Ҳабиб Темур, Ойгул Маматова, Нусрат Раҳмат, Ойхумор Асадова, Марди Нуриддинов, Жамол Сирожиддин, Олқор Дамин, Шавкат Ҳасан, Жумагул Сувонова, Ориф Ҳожи сингари қалам соҳиблари ҳам баракали ижод қилмоқдалар.

Тоҳир Жулматов, Нодир Жонузоқ, Ориф ва Муҳаббат Тўхташлар, Нигорабону, Гуландом Бадалова каби ёш истеъдодлар ҳам ижод бўстонида ғунча мисол очилмоқдалар. Нодир Жонузоқ 21 ёшида «Нилуфар» номли достонини эълон қилди. 22 ёшли Уйғун Рўзиев «Атиргул» романи билан адабий жамоатчилик эътиборини қозонди.

Биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитрат ва унинг издошлари Воҳид Абдуллаев, Абдураҳмон Саъдий, Нуриддин Шукуровлар яратган танқидчилик мактабининг адабиётимизда ўзига хос ўрни бор.

Азалдан илму маърифат маркази, ижод бўстони саналган Самарқанд янги-янги авлодлар учун адабий чашма бўлиб қолаверади.

Исроил МИРЗАЕВ, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси.

ДИЛ КАЛИТИ

Анвар БЕКМУРОДОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

— Азал-азалдан кўҳна Самарқанд илм-маърифат марказларидан саналиб келингани баайни ҳақиқат. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат излаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар». Бугунги кунда ҳам бу замин илму маърифат бобида ўз салоҳиятини намоён этмоқда.

Сўнгги етти йил мобайнида вилоятимизда умумтаълим мактаблари сони қарийб 50 тага кўпайди. Мавжуд мактабларнинг аксарияти эса қайта таъмирланиб, жиҳозлантирилди. Янги бинолар, синф хоналари бунёд этилиб, ўқув даргоҳлари баҳоли қудрат кенгайтирилди. 1990 йилда мактабларимизда 551626 ўқувчи рўйхатга олинган бўлса, жорий йилга келиб бу рақам 628919 га ўзгарди. Шунга яраша мураббийлар сони ҳам 8374 нафарга кўпайди.

Етти йил муқаддам вилоятимизда бирорта тил маркази йўқ эди. Бугунги кунда эса халқаро тилларни пухта ўргатишга ихтисослаштирилган 14 та тил маркази фаолият кўрсатаётир. Уларда юзлаб иқтидорли ўғил-қизларимиз жаҳон тилларини мукаммал ўрганишаётир.

Фарзандларимиз —келажагимиз, деймиз. Уларга эса энг ишончли «келажак калити»ни бера олишимиз зарур. Бу — пухта билим, муносиб таълим-тарбиядир. Етти йил бурун иқтидорли ўғил-қизларимизнинг чет давлатларга бориб сабоқ олишлари ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмасди. Бугунги кунда эса ўнлаб ёш истеъдодлар жаҳондаги энг илғор мактабларда дунёвий билимларни эгалламоқдалар.

***

Жаҳонга чиқиш — истиқлолга эришган элимизнинг орзу-умидидир. Вилоятда тил ўрганишга иштиёқманд иқтидорли ўғил-қизларимизнинг кўпчиликлари Самарқанд давлат чет тиллар институтида юзлаб талабалар инглиз, немис, француз, корейс, турк, итальян, араб, форс тилларини пухта ўзлаштирмоқдалар. Ёшларга жаҳон тилларини мукаммал ўргатишда Жанубий Корея, Туркия, Германия, АҚШ давлатлари мутахассислари билан кенг ҳамкорлик қилинаётир.

Институт қошида ўзбек-турк лицейи очилган. Лицей ўқувчилари халқаро миқёсда ўтказиладиган олимпиадаларда иштирок этишаётир. Ўтган йили Туркияда ўтказилган ана шундай олимпиадада химия фанидан иштирок этган 10-синф ўқувчиси Хайрулло Ҳамидов олтин медаль соҳиби бўлди. 9-синф ўқувчиси Ғанишер Рустамов эса бронза медалини қўлга киритди. Шароф Худойбердиев VIII Жаҳон олимпиадасининг бронза медали соҳиби бўлди.

ОҚСОҚОЛЛАР

Шакар ФАЙЗИЕВ, Республика «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгашининг раиси

— Катта ҳаёт тажрибасига эга оқсоқолларимиз ҳамиша жамият тараққиётига муносиб улуш қўшиб келишган, кексаларга ҳамиша эъзоз, ҳурмат-иззат кўрсатишган. Улар билан бамаслаҳат иш қилинган. Пировардида кўзланган мақсадга, юрт фаровонлигига, осойишталикка эришилган. Яратганга минг қатла шукрки, жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликни қўлга киритгач, биз меҳнат фахрийларига ҳам эътибор ортди. Ҳар дақиқада ҳурматли Президентимизнинг ғамхўрлигини сезиб турибмиз.

Вилоятимизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда Самарқанд боғдорчилиги, зироатчилиги шуҳратини тиклаш, қадриятимизни ўрнига қўйиш, маънавий-маърифий, маданий-маиший, қурилиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кейинги икки йил ичида кескин бурилиш ясалди.

Ана шу улкан ўзгаришларда биз, нуронийлар ҳам ўз тажрибамиз, билимимиз, маслаҳатимиз, руҳлантирувчи бир оғиз даъваткор сўзимиз билан иштирок этаётганлигимиздан фахрланамиз.

Бугун далаларда ишлар қизиб кетди. Асрларга татигулик йилга замин ҳозирланмоқда. Шу боис ўзимизнинг қишлоқ хўжалигига марҳум Марди Султонов, Шамси Назаров, Нормамат Эсонтурдиевлар асос солган бўлса, Бектош Раҳимов, Муяссар Шодиевлар уни изчил давом эттирган. Вилоятда чигит экиб бўлинди. Жойларда биринчи ишлов бериляпти.

Жамғармамиз қошида тўртта гуруҳ тузилган. Уларга боғдорчилик, деҳқончилик, чорвачиликни яхши биладиган фахрийларимизни жалб қилганмиз.

Қўш саҳифани Тўлқин ЭШБЕК, Лутфулла МАМАСОЛИЕВ ва Шавкат АКРАМОВлар тайёрладилар.
Навбат СИРДАРЁ вилоятига.

Санъат оламида

«ЯХШИЛАР ЁНИНДА ЮРГИЛ ДОИМ»

Бир гурунгда санъат ва санъаткорлар хусусида гап борди. Ушанда даврадагилардан бири: «Бобомурод Ҳамдамов қўшиқларини мириқиб эшитаман, унинг овози бошқаларникига ўхшамайди, яна бир томони ҳинд қўшиқларини зўр айтади-да. Гоҳи-гоҳида ашулаларини радиодан эшитаману ўзи негадир кўринмай қолди», деганди.

Шу гап баҳона ушбу санъаткор билан суҳбатлашиш истаги туғилди.

— Бобомурод ака, қўшиқчи, санъаткор сўзларини қандай тушунасиз?

— Санъаткор ҳам аслида ижодкордир, сизга айтсам. Ҳар қандай янги, яхши қўшиқ тинимсиз изланиш, ижод қилиш баробарида яратилади ва кейин у халқ мулкига айланади.

— Сиз айтган, халқ мулкига айланган қўшиқлар озми-кўпми?

— Етарли. Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритиш керак. Аудитория, яъни тингловчилар ёши ва савиясини ҳам ҳисобга олиш лозим. Ўн саккиз ёшдагиларга шўх, муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар ёқади, ёши ўтганларга эса классик ашулалар маъқул.

— Ўзбекча, туркманча қўшиқлардан ташқари, ҳинд ашулаларини ҳам айтасиз...

— Аслида санъаткор бўлишимга Раж Капур қўшиқлари сабабчи. У пайтлари ёш бола эдик. Қишлоқда тўйларда болалар ўртага чиқариб «сен ҳам қўшиқ айт» деб қўйишмасди. Бир-иккита, асосан Раж Капур ижро этган қўшиқларни айтардим...

— Ўтган йили Хоразм ва Тошкентда Комилжон Отаниёзов хотирасига бағишлаб хайрия концертлари ўтказилган эди. Ана шу тадбирларда сиз ҳам иштирок этганингиздан хабарим бор...

— Хайрия концерти ўтказишдан асосий мақсад — аввало устозимиз Комилжон Отаниёзов руҳини шод этиш ҳамда ёш истеъдодларни кашф этиш эди.

— Бобомурод ака, ҳозир ансамбллар кўп, ўша гуруҳларда ҳар хил мусиқа аппаратлари ҳам кўп. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Кўп бўлгани яхши. Замон ўзгаряпти, қолаверса одамларнинг эҳтиёжи ҳам. Мусиқа ранг-баранг бўлгани яхши. Буни замон талаби, деб тушунаман. Ҳадеб мақомни эшитавермаймиз-ку, эстрада ҳам керак.

— Эстрада, дедингиз. Баъзиларида мусиқа яхшию сўзини тушуниб бўлмайди ёки бачкана...

— Мусиқа яхши бўлса, демак бастакор кучли. Бу ерда ижро этувчини эмас, уни саҳнага чиқарганни ҳам айблаш керак.

— Баъзилар ҳаволаниб кетади...

— Бундайлар бор. Санъаткор эл назаридаги одам. Бу соҳадагиларда этика, кучли ички маданият бўлиши лозим. Акс ҳолда тезда эътибордан четда қолади. Юриш-туришда, муомалада, саҳнада ҳамиша одобни сақлай билиш керак.

— Феъл-атворингиз қандай?

— Очиғи, сал бепарвороқман. Бу менинг «минус»им бўлса керак, назаримда.

— Энди сўрамасам бўлмас, Бобомурод ака, нега анча вақтдан буён телевизорда кўринмайсиз?

— Очиғи, ўзим ҳам бунинг сабабини билмайман.

— Спортга қизиқасизми?

— Ҳа, шахмат ўйнайман. Дона суришда рақиб танламайман, ёш бола билан ҳам ўйнайвераман.

— Охирги марта қачон метрога тушгансиз?

— Анча бўлди...

— Тез-тез эслайдиган мақолингиз?

— Илмли кишилар билан мулоқотда бўлишга, дўстлашишга ҳаракат қиламан. Шунинг учун ҳам «яхшилар ёнинда юргилсан ўзинг, дур бўлсин доим сўзлаган сўзинг, олимларга яқин бўлсанг очилар кўзинг, ёмонларга яқин бўлсанг кўрдек бўларсан» деган гапни айтиб юраман.

— Устозингиз ким ва кимларни шогирдларим, дея оласиз?

— Шу ўринда устоз ва шогирдлик масаласида ўзимнинг фикримни айтсам. Аввало, шогирдман деган, ўзи эътиқод қилган кишига меҳр қўйиш керак. Устоз ҳам шогирдига меҳрли бўлиши шарт. Ўзим Комилжон Отаниёзовни устозим, деб биламан. У кишидан кўп нарсаларни ўрганганман. Каримбой Раҳмонов, Қодир Жўрақулов ва Шамсиддин Ҳамдамовдек шогирдларим борлигидан қувонаман.

— Унвонларингиз...

— Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артистиман. Ўз санъатим билан икки қардош халқ дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилишни бурчим, деб биламан.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб борамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, қуйидаги анкетани тўлғазиб, газета саҳифасидан қирқиб, бизга жўнатинг:

Фамилияси *Савриева*

Исми *Барнохон*

Отасининг исми _____

Қачон, қаерда туғилган *29. 03. 1897 йил Бухоро вил. Вобкент тум. Сарипанжа қишлоғи*

Ҳозир қаерда яшайди *Шу ерда*

Узоқ умр кўришнинг сири *Кимёвий меҳнат, оилавий тотувлик* (қисқа баён этилади)

Юз ёшнинг хулосаси *Осмон мусаффолиги — инсон саломатлиги* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Алишер РЎЗИЕВ
навбатчи Абдумалик БОБОЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 36.136 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 01119

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Диққат: порахўр!

БАДНАФС

ёки республика Давлат солиқ қўмитаси тафтиш ишлари бошқармасида катта солиқ нозири бўлиб ишлаган Мамарасул БЕКНАЗАРОВнинг 400000 сўм пора олганлиги хусусида

Фельетон

Республика Давлат солиқ қўмитаси М. Бекмуродовни Сурхондарё вилоятига, «Маҳаллий саноат аниссадорлик компаниясига қарашли ташкилот ва корхоналарда солиқ қонунчилигининг текширилишини такомиллаштириш учун» 25 кунлик хизмат сафарига жўнатишга қарор қилди. Буни «ов» учун қулай имконият деб тушунган Мамарасул жон деб рози бўлди.

Бекназаров вилоят солиқ бошқармасига етиб борганида ўзининг нима учун жўнатилганини ҳам унутиб, яъни хизмат ваколати доирасидан четга чиқиб, Шеробод туманида жойлашган «Хўжаикон» туз очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида сўнгги бир йилликда солиқ қонунчилигининг бажарилишини текшириш учун икки ходим ажратиш ҳақида топшириқ берди. Табиийки, бошқармадагилар «юқори»дан келган вакилнинг айтганини «есть» қилиб, икки малакали ходим -- тафтиш бўлими катта назоратчилари Баҳриддин Жумаев ва Шуҳрат Ҳусаиновларни унинг ихтиёрига топширишди.

Бекназаров уларга ҳиссадорлик жамияти фаолиятини яхшилаб «чиғириқ»дан ўтказишни, мавжуд хатоларни таг-туби билан аниқлашни, агар енгил-елпи текширишса бошқатдан тафтиш қилдириши, унда ҳар иккволларига ҳам «ёмон бўлиши»ни уқтирди.

Буни қарангки, Бекназаровнинг бахтига ҳиссадорлик жамиятида давлатга солиқ тўлашда хатоларга йўл қўйилгани, жумладан, ер солиғидан 44 минг сўм яшириб қолинганлиги аниқланди. Шунингдек, валюта операцияси бўйича ҳам хато ва камчиликлар борлиги маълум бўлди. Булар ҳақида албатта ўз вақтида баённомалар тўлғазилди. Шундан кейин Бекназаров жамият раиси Абдухалиловга рўбарў келиб:

— Кўриб турибсиз, ишингиз чатоқ, хатолар кўп. Агар ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин десангиз, 700000 сўм чўзасиз, — деди.

Абдухалилов тафтишчилар гуруҳи «бошлиғи»нинг бу гапини ҳазил деб тушуниб кулиб қўя қолди. Аммо Бекназаровнинг гапи жиддий эди. Бироқ у таклифининг бежавоб қолганлигидан дарғазаб бўлганини сездирмай ичида «сенимм, шошмай тур» деб қўйди.

Орадан тўрт кун ўтгач, раиснинг Тошкентга хизмат сафарига кетишини эшитган Бекназаров ундан Қаршигача бирга олиб кетишини сўради. Нияти раис билан йўлда бемалол «савдолашиш» эди. Аммо, иложини тополмай, ноилож, Қаршида қолди. Абдухалилов пойтахтдан қайтгач эса яна Шерободга келди. Кечки зиёфат пайтида Бекназаров тағин бир бор раиснинг қўйнига қўл солиб кўрди.

—Жаноб раис, текширувимиз якунлангач, сизга қийин бўлади. Ишингиз оғир...

Раис Мамарасулнинг бу гапини мастликда қилинган валдираш деб эътибор бермади. Аммо мастлик — ростлик эди. Тоқати тоқ бўлган Мамарасул эса «тушунмайдиган одам»дан ҳафсаласи пир бўлса ҳам умидини узмади. Гарчи хизмат сафари муддати тугаган бўлса-да, Тошкентга қайтмай, раиснинг атрофида яна икки кун гирдикапалак бўлиб юрди. Ниҳоят, унинг ишхонасига кириб келиб, гапнинг дангалини айтди:

— Хўш, жаноб, ўйлаб кўрдингизми? Ахир биз ишни тугатяпмиз! — Еттита бармоғини кўрсатди — шунча беришингиз керак!

— Ие, нима деяпсиз? Мен шунча пулни қаердан оламан? Боз устига, бу ерга янги раис бўлсам. Ўша сизлар аниқлаган хатоларнинг анчагина қисми мендан олдин ишлаган раис даврига тўғри келади.

— Унда, қамаласиз! Билиб қўйинг, мен сизни қамоқда чиритиб юораман! Дарвоқе, майли, сизга ҳам қийин бўлмасин. Менга собиқ раисни топтириб келинг. У билан ҳам яккама-якка гаплашиб олишим керак...

Хуллас, ўша куни иккволон роса тортишишди. Пировардида янги раис 400000 сўм «чўзадиган», қолган 300000 сўмни эса собиқ раисдан Мамарасулнинг ўзи ундириб оладиган бўлди.

Шундай қилиб, Абдухалилов пул излашга тушди. Ниҳоят, қариндошлари Илҳом Дониёровдан 150000 сўм, Жўрабой Эргашевдан 100000 сўм, Салим Собировдан 50000 сўм қарз олиб, ёнига ўзи 100000 сўм қўшиб, 40 пачка юз сўмликни Бекназаров турган хонага олиб кирди.

— Мана, хўжайин, айтганингизни олиб келдим.

— Хўш, қанча экан у?

— 400000 сўм!

— Унда ичкарига кириング, — дея Мамарасул уни ётадиган хонага бошлади. У ерда ўзининг анча-мунча пулни кўрдим демай «ютиб» юборадиган қора сумкасини очди. Холмурод ўз сумкасидан қоғоз халтадаги пулни олиб, унинг қўлига тутқазди. Олувчи пулни ушлаб ўз сумкасига солди. Аммо унинг пуллигига ишонмади шекилли, халта ичига қўлини тиқиб пулни пайпаслаб кўргач, енгил тортди.

— Мана бу ўғил боланинг иши бўлди. Мен сизга ишонаман. Энди илгари тўлғазган баённомаларни «брак» қилиб янгисини тўлғазамиз... Аммо, билиб қўйинг, оғайни, ишнинг бу ёғи «туя кўрдингми, йўқ», тушунарлими? Ёрдамчи ревизорларимга ҳам бу ҳақда ҳеч нима деманг. Уларга ўзим тушунтириб қўяман!

— Келишдик!

Бироқ, Холмурод Абдухалилов солиқчи-олиқчи билан келишишдан олдин ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари билан ҳам келишиб олган эди. Шунга мувофиқ кириб келган мутасаддилар порахўр солиқчининг қўлига кишан солишди.

Таъмагир эса отдан тушса ҳам эгардан тушмай, вазиятдан қутулишга уриниб кўрди:

— Мен ҳеч нарса сўраганим ҳам, олганим ҳам йўқ. Уни атайлаб, қасддан менинг сумкамга солиб кетишган!

— Унда, мана буни эшитинг!

Орган ходимлари унга Холмуродов билан қилган «савдо»си ёзилган магнитафон тасмасини қўйиб эшиттиришди. Кейин олдиндан «иш»лов берилган пора пулни олиб кўрсатишганди, унда «Пора — Бекназаровга» деган ёзув пайдо бўлди. Шунингдек, Мамарасулнинг порани ушлаган қўлларидан ҳам унга сепилган махсус кукун юқлари чиқди.

Ўз мавқеидан фойдаланиб, шахсий бойлик орттириш мақсадида таъмагирлик қилган, оқибатда 14 йилга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинган Мамарасул Бекназаровнинг аччиқ қисмати бошқа бадният мансабдор шахсларга ҳам сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи,
Жасур УЛУҒОВ,
журналист

Ўзбекистон ва жаҳон

ОСМОНИМИЗДА ЯНГИ АЭРОБУС

Ўзбек учувчилари жаҳон ҳаво қатнови маконида тобора мустаҳкам мавқени эгаллаб бормоқдалар. Миллий авиакомпаниямиз самолётларини жаҳоннинг энг яхши аэропортларида учратиш мумкин. 35 ваколатхона очилган. Ўтган йили икки миллиондан ортиқ йўловчига хизмат кўрсатилди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қатновларида кўрсатилаётган юксак даражадаги хизмат ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Бир сўз билан айтганда жаҳон ҳаво қатновлари бозорида энг йирик етакчи компаниялардан бирига айланди десак муболаға бўлмайди.

Эндиликда мамлакатимиз учувчилари энг замонавий авиация техникасига эга. «А-310», «Боинг», «RJ-85» самолётлари парвозлар хавфсизлиги талабларига жавоб бериб қатновлар самарадорлигини оширмоқда ҳамда фойда келтирмоқда. Тез орада улар сафига яна бир «А-310» келиб қўшилади. Бу «Эрбас Индастри» ишлаб чиқаришига мансуб учинчи аэробусимиз бўлади. Авиакомпаниямиз ушбу самолётни олиши билан Нью-Йорк, Истамбул сари қатновларимиз сони ошади, Япония, Париж, Даккага парвозлар бошлаш имконияти туғилади.

Алишер РЎЗИЕВ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент Давлат университетида ўтказилган «Ўзбекистон ва жаҳон» мавзусидаги талабаларнинг илмий-амалий анжумани давлатимизда кечаётган иқтисодий юксалишлар, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеи атрофидаги фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

Анжуманни ТошДУ проректори профессор Р. Х. Муртазаева кириш сўзи билан очиб, бу анжуманнинг ўтказилиши катта аҳамиятга эга эканлиги, унинг «Ўзбекистон ва жаҳон» деб номланиши ҳам бежиз эмаслиги ҳақида алоҳида тўхталди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бу анжуманнинг ўтказилишига туртки бўлди, десак хато бўлмас. Анжуман университет миқёсида бир ҳафта давом этди ва ҳар бир талаба унда ўз қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда қатнашди. Талабаларнинг маърузалари «ТошДУ ахбороти», «Вестник» журналларида чоп этилади.

Шарифахон МУРОДЖОН қизи

Спорт

АРТУР ҲАМ КЕЛДИ

Гулистонда бокс саройи қад кўтарди. 170 томошабинга мўлжалланган бу спорт иншооти замон андозаларига мосланган. Ўзига хос бокс саройининг очилиш маросимида республика чармқўлқоп усталари мураббийси Владимир Шин иштирок этди. Ўзига хос тантанага профессионал боксчи, олти марта жаҳон чемпиони Артур Григоряннинг келишидан ишқибозлар беҳад мамнун бўлишди.

Абдужалил УМАРОВ

БЎШ КЕЛИШМАДИ

Теҳронда шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда АҚШ, Покистон, Озарбойжондан ҳам вакиллар иштирок этди. Дона суриш баҳсида самарқандлик халқаро гроссмейстер Шуҳрат Сафин биринчи ўринни олди. Марат Жумаев билан Тоҳир Воҳидов иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Лутфулла РУСТАМОВ

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи

«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини

ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Иккиламчи майдаланган, бойитилмаган

КАОЛИН

«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ

0,04-2,5 мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц қумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга таклиф этади.